



TRADING CENTERS OF THE BUKHARA EMIRATE IN THE SECOND HALF OF THE 19TH AND EARLY 20TH CENTURIES

Zukhriddin B. Khaydarov

Lecturer

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: haydarovz.history@gmail.com

ABOUT ARTICLE

Key words: The Bukhara Emirate, trading, trading centers, caravansarays, goods, cities, markets, overseas, Russia, growth, development.

Received: 28.06.23

Accepted: 30.06.23

Published: 02.07.23

Abstract: The article highlights trading activities in the cities and trade centers of the Bukhara Emirate in the second half of the 19th - early 20th centuries. The types of products in the markets and their prices are also analyzed.

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ - XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ САВДО МАРКАЗЛАРИ

Зухриддин Б. Хайдаров

Ўқитувчи

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: haydarovz.history@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Бухоро амирлиги, савдо-сотик, савдо марказлар, карвонсаройлар, савдо моллари, шаҳарлар, бозорлар, хориж мамлакатлари, Россия, ўсиш, ривожланиш.

Аннотация: Мақолада XIX асрнинг иккинчи ярми - XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги шаҳарлар ва савдо марказларида амалга оширилган савдо-сотик ишлари ёритилган. Шунингдек, бозорларда сотиладиган маҳсулот турлари ҳамда уларнинг нарх-наволари таҳлил қилинган.

ТОРГОВЫЕ ЦЕНТРЫ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX – НАЧАЛЕ XX ВВ**Зухриддин Б. Хайдаров**

преподаватель

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: haydarovz.history@gmail.com**О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: Бухарский эмират, торговля, торговые центры, караван-сарай, товары, города, рынки, зарубежье, Россия, рост, развитие.

Аннотация: В статье освещается торговая деятельность в городах и торговых центрах Бухарского эмирата во второй половине XIX – начале XX вв. Также проанализированы виды продаваемой на рынках продукции и их цены.

КИРИШ

Бухоро амирлиги XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Ўрта Осиёдаги кудратли давлатлардан бири ҳисобланган. Амир Музаффар хукмронлиги даврида (1860–1885 йй.) мамлакат иқтисодий жиҳатдан анча ривожланган. Амирликда янги суғориш иншоотлари, савдо марказлари, карвонсаройлар ва савдо мажмуаларининг барпо этилиши қишлоқ хўжалиги, ҳунармандчилик ҳамда савдо-сотиқнинг ривожланишига имкон яратган. XIX асрнинг иккинчи ярми–XX бошларида Бухоро амирлиги ички ва ташқи савдо алоқаларини олиб боришда Ўрта Осиёда етакчи бўлиб келган. XIX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро шаҳри ва унинг атрофида 60 га яқин карвонсарой ва 50 дан ортиқ бозорлар бўлиб маҳаллий ва хориж савдогарлари фаол савдо ишларини олиб боришган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Тижорат ишларини олиб боришда машҳур бўлган амир Абдулаҳад даврида (1885–1910 йй.) Бухоро, Қарши, Кармана, Нурота, Хатирчи, Термиз, Ҳисор, Денов, Шаҳрисабз, Шеробод, Китоб, Ғузур каби шаҳарларда карвонсаройлар бунёд этилиб, амирлик йирик савдо марказига айланди. Бу даврга келиб ҳар бир шаҳар ўзининг ишлаб чиқарган маҳсулоти ва бозорларда сотиладиган савдо моллари билан ихтисослашиб борган. М. Вирский ўзининг тадқиқотларида Бухоро бозорлари ва уларнинг нуфузи борасида тўхталиб, XIX асрнинг иккинчи ярми–XX аср бошларида Бухоро бозорлари ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, Ўрта Осиё бозорлари учун биржа вазифасини ўтаганлигини таъкидлайди[1].

Бухоро шаҳридаги бозорларнинг асосий қисми Шаҳристоннинг Лаби Ҳовуз майдонидан Регистон майдонигача бўлган ҳудудда ва асосий савдо кўчалари чорраҳаларида қурилган бўлиб, бозорларнинг деярли барчаси усти ёпиқ гумбазли қилиб

қурилган. (Бу ердаги бозорларнинг қурилиши Шайбоний ҳуқумдорларидан ҳисобланган Абдуллахон II томонидан барпо этилган) шаҳардаги энг машҳур савдо иншоотлари Тоқи Саррофон, Тоқи Телпакфурушон, Тоқи Заргорон, Тоқи Аллофон ва Тоқи Тиргарон деб аталган. Тоқи Саррофон амир Абдулғозихон даврида бутунлай таъмирланган. Бу тоқ шарқда – Қарши дарвозасига ҳамда ғарбга – Қоракўл дарвозаларига элтувчи йўлга туташ бўлганлиги учун ҳам шаҳардаги бош савдо маркази вазифасини ўтаган. Тоқи Заргаронда 30 дан ортиқ заргарлик дўкон ва устахоналар мавжуд бўлиб, хар-ҳил қимматбаҳо зеб-зийнат буюмлари ясаиб сотилган.

Ўз ҳажми жиҳатидан юқорида номлари келтирилган тоқлардан нисбатан кичикроқ бўлган тоқи Тиргарон Регистон майдони яқинида, аркнинг жанубий дарвозаси ёнида бунёд этилган. Шаҳар бозорлари таркибига тўрт бурчакли усти кўп сонли гумбазлар билан ёпилган “тим” [2] деб аталувчи бинолар ҳам кирган. Тим ва тоқлардан ташқари Бухоро шаҳри кўчаларида муаян бир турдаги маҳсулотларни сотишга ихтисослаштирилган дўконлар ҳам бўлган. Бухорога саёҳат қилган Е.К. Мендорф шаҳар кўчалардаги дўконларнинг бир тарафида аёллар оёқ кийимлари, иккинчи тарафидаги дўконларда атторлик моллари, бошқа бир кўчадаги дўконларда эса хар хил қимматбаҳо тошлар, зеб-зийнатлар билан савдо қилаётганлигини таъкидлаб ўтган[3].

XIX асрнинг охири – XX аср бошларига келиб савдо-сотикнинг тараққий этиши, аҳолининг газлама ва бошқа ҳунармандчилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжининг ортиши натижасида олдин расталарда бир хил турдаги маҳсулотларни сотиш ўз аҳамиятини йўқотди. Маҳсулотлар сотиш учун мўлжалланган раста ва дўконларда савдо моллари аралашиб кетди. Бухоро шаҳридаги бозорлардан ташқари унинг атрофидаги бозорларда ҳам савдо-сотик ишлари қизғин олиб борилган. Пойтахтга яқин туманлардаги Боҳовуддин Хазрати Мири Кулол Когон, Азизобод, Ванғози, Гиждувон, Ромитон, Галаосиё, Жондор, Вобкент, Ҳайрабод ва бошқа бозорлар ички ва ташқи савдо алоқаларни олиб боришда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Маълумотларга кўра, XIX асрнинг охирига келиб, амирликда 500 дан ортиқ бозорларда қизғин савдо-сотик ишлари олиб борилган[4].

XIX асрнинг 80-90 йилларида Бухоро шаҳридаги бозорларнинг бир йиллик савдо айланмаси 46 млн. рублни ташкил қилган[5]. Архив манбаларида берилган маълумотларда, 1910-1912 йилларда Бухоро шаҳри бозорларида йиллик савдо баланси 90 млн. рублдан ошқроқ бўлгани қайд қилинган[6]. Келтирилган бу маълумотлар фақат Бухоро шаҳридаги бозорлар учун хос бўлган. Амирлик микёсида олиб қаралганда бу суммалар микдори бир неча бараварга ортиб боришини кўришимиз мумкин. Савдо-сотикни амалга оширишда карвонсаройларнинг ўрни муҳим бўлган. Амирликнинг барча савдо марказларида карвон саройлар бўлиб, савдонинг тараққий этиши билан уларнинг сони ҳам ортиб борган.

Масалан, 1830 йилда Бухоро шаҳрида 25 та, 1840 йилда 38 та, XIX асрнинг охири – XX аср бошларига келиб, уларнинг сони 60 тадан ошган[7].

Амирликда Қарши шаҳри Бухородан сўнг иккинчи йирик савдо марказ вазифасини ўтаган. Шу билан бирга хориждан кетирилган ва маҳаллий савдо молларини амирликнинг турли ҳудудларига жўнатишда, Шарқий Бухорони Ғарбий Бухоро билан боғлашда шаҳарнинг аҳамияти катта бўлган[8]. Қарши шаҳрида иккита катта бозор бўлиб, биринчиси шаҳар қалъасининг шимоли-ғарбий қисмида, иккинчиси эса шаҳарнинг ташқарисида жойлашган. Шаҳар ичидаги бозорда 1400 дан ортиқ савдо дўкон бўлиб, бу ерда маҳаллий ва хориж мамлакатлардан олиб келинган савдо моллари сотилган[9]. Қарши шаҳри Бухоро, Кармана, Жом – Самарқанд, Чироқчи – Шаҳрисабз, Келиф, Карки, Бурдалиқ, Наразм ва Қорақўл шаҳарларини туташтирувчи муҳим савдо йўлида жойлашганлиги ҳам шаҳарнинг савдодаги ўрни қанчалик муҳимлигини белгилаб беради.

Ғузур бозори амирликда чорва молларини сотишга ихтисослаганлиги билан ажралиб турган. Ғузурга Шарқий Бухоро ва Афғонистондан сурувлаб чорва моллари олиб келинганлиги тўғрисидаги маълумотларни кўплаб учратамиз. Манбаларда Шаҳрисабз ва Китоб шаҳарлари ҳам амирликда йирик савдо марказлари сифатида эътироф этилган. Бу ердаги бозорлардан асосан катта миқдорда гуруч, тамаки, турли хил мевалар, буғдой, арпа, ипак хомашёси, олача матоси, шолча каби маҳсулотларни кўпроқ харид қилиш имкони бўлган. Ўз ўрнида Шаҳрисабз ва Китоб бозорларига Бухоро, Самарқанд, Қарши каби шаҳарлардан хорижда ишлаб чиқарилган турли хил матолар, бўёқлар, темир, пўлат ва озик овқат маҳсулотлари олиб келинган[10].

Шеробод беклигида Термиз, Шеробод, Хатак, Пошхурд, Зарабоғ, Кўҳитанг, Жарқўрғон, Какайди бозорларида қизгин савдо ишлари амалга оширилган. Бойсун беклигида Бойсун, Дарбанд ва Хўжайпоқ бозорлари машҳур бўлган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Россия ҳарбий зобит ва сайёҳлари амирлик бозорларида сотиладиган маҳсулотларнинг тури ва нархларини ўргана бошлаган ва бу борада аниқ маълумотлар тўплашга ҳаракат қилишган. Масалан, Россия ҳарбий зобити Кап. Гинтилло Бойсун бозорида 1 ботмон ғалла 3 рубл 20 копеекдан 4 рублгача, 1 ботмон тарик 2 рубл 80 копеекдан 3 рубл 20 копеекгача, 100 боғ беда 3 рубл 50 копеекдан 4 рубл 11 копеекгача, 1 пуд сомон 20 копеекдан 23,5 копеекгача, 5 ёшли сигир 18 рубл 80 копеекдан 23 рубл 50 копеекгача, қўйлар 4 рублдан 8 рублгача бўлган нархларда сотилишини ёзиб қолдирган[11].

Денов беклигида Юрчи, Денов, Қарлуқ, Янгибозор ва Миршоди бозорларида маҳаллий ва хориж савдогарлари қизгин савдо ишларини олиб боришган. Маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак Денов шаҳридаги бозорда 100 дан ортиқ дўконлар бўлиб, уларда маҳаллий ва хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиб олиш мумкинлиги маълум

қилинган. Рус ҳарбий зобити Кап.Стеткевич беклик бозорларида сотиладиган чорва молларининг нархлари борасида ҳам ўз маълумотларини ёзиб қолдирган. Унга кўра от ёши ва юк кўтаришига қараб, 15-30 рубл, эшак 4-10 рубл, сигир катта-кичиклигига қараб, 10-20 рубл, қўш хайдовчи ҳўкиз 15-30 рубл, қўйлар семизлигига қараб 3-6 рублгача сотилган[12].

Ўрта Осиё темир йўли тармоғининг Бухорога кириб келиши амирликни Россия билан тўғридан-тўғри боғлаш имкониятини яратди. Шу билан бирга, Россия-Бухоро ўртасидаги ўзаро маҳсулот айирбошлаш имкониятини кенгайтirdи. Натижада савдо-сотик ҳажми бир неча бараварга ўсди. Савдо-сотикнинг тараққий этиши ҳар бир шаҳарнинг савдо марказига айланиши билан бирга бозорлар сотиладиган маҳсулот турига қараб ихтисослашиб борди. Бухоро шаҳри қорақўл тери, пахта, чой, инглиз, ҳинд ва рус маҳсулотларини, Ғузур чорва моллари, Қарши, Шеробод, Термиз шаҳарлари ҳунарманчилик, қишлоқ ҳўжалиги ва хориж савдо моллари сотиладиган марказлардан бирга айланди. Натижада Шарқий ва Ғарбий Бухоро ўртасидаги савдо тезлашиб, хориж мамлакатларидан келтирилган савдо молларнинг йирик миқдорда шарқий ҳудудларга кириб боришини тезлаштирди.

Бухорога темир йўлнинг кириб келиши билан хориж савдогарлари Бухоро амирлигида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни Россия шаҳарларидан эмас, тўғридан-тўғри Бухоронинг ўзидан биринчи қўлдан сотиб ола бошлаган. Карвон йўли орқали Россия шаҳарларига олиб борилган ҳар бир пуд юк учун ўртача 3 рублдан йўл ҳаққи олинган. Бундан ташқари, Бухородан чиққан карвон Нижний Новгород ёки Москвагача 40-45 кун йўл юрган. Темир йўл орқали эса Россиянинг Москва ёки Нижний Новгород шаҳрига бир ҳафтада етиб борилган. Шунингдек, бир пуд юк учун кетган харажат 70 тийинга тушган. Масалан, 1880–1881 йилларда Бухородан Россияга 410 минг пуд пахта чиқарилган бўлса, темир йўл қурилгандан сўнг 1890 йилда пахта экспорти 1 млн 360 минг пудга етган. Шунингдек, бу даврда қорақўл ва бошқа турдаги териларни сотиш 4 минг пуддан 50 минг пудга кўтарилган[13]. Ўрта Осиё темир йўл тармоғининг Бухорога кириб келиши натижасида амирликдаги шаҳарлар Россия билан тўғридан-тўғри боғлаш имкони эга бўлди. Шу билан бирга, Россия – Бухоро ўртасидаги ўзаро маҳсулот айирбошлаш ҳажми йилдан йилга ўсиб борди.

XIX асрнинг охири – XX аср бошларига келиб, Шарқий Бухорода Ҳисор, Қоратоғ, Душанбе, Файзобод, Янгибозор, Кўлоб, Балжувон, Қўрғонтепа, Қободиён, Сарой-Камар каби савдо марказларида қизгин савдо ишлари олиб борилган. Бу савдо марказлар Бухоро, Термиз, Чаржўй, Карки, Карши каби шаҳарларни бўғдой, гуруч, зиғир ва чорва моллари билан таъминлашда муҳим ўрин тутган.

Манбаларда XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Шарқий Бухоро бозорларида қишлоқ ҳўжалик, чорва ва ҳунармандчилик молларининг нархи амирликнинг

Ғарбий қисмига нисбатан анча арзон бўлганлиги этироф қилинган. Шу билан бирга, Шарқий худудларда хориж мамлакатларидан келтирилган маҳсулотлар нисбатан кам бўлиб, уларни нархлари анча қиммат эди. Шарқий Бухоро дон маҳсулотларини етиштиришда Ўрта Осиёда етакчилардан бири саналган. Ғарбий Бухоро, қўшни хонликлар ва Туркистон ўлкаси аҳолисининг дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришда етакчилик қилиб келган. Д.И. Логофет Шарқий Бухорода йилга 14 млн. пуд буғдой ҳосили олинганини ва бозорларда буғдой анча арзон, бир ботмон буғдой (16 пуд) 32 тангадан 50 тангагача (рус пулида 5. руб 30 коп. дан - 7 руб 50 коп.), бир ботмон арпа 20 тангадан 40 тангагача (3 руб- 6 руб) сотилганини таъкидлайди. [14] К.К. Пален эса Шарқий Бухорода йилга тахминан 13 млн. 200 минг пуд буғдой етиштирилганлигини ёзади[15].

XIX асрнинг охири – XX аср бошларига келиб, Паттакесар (Термиз), Ҳисор, Шеробод ва Денов бозорлари Шарқий Бухорода халқаро аҳамиятга эга бўлган бозорлар тоифасига кирди. Ҳисор бозорида душанба куни улгуржи (оптом) савдо, чоршанба ва якшанба кунлари эса одатдагидек ишлаган. Ҳисор бозорида асосан Самарқанд, Бухоро, Қарши, Россия, Афғонистон, Эрон ва Ҳиндистондан келтирилган савдо маҳсулотлари ҳарид қилинган. 1877-1889 йиллар оралиғида Ҳисор бозорларида 8 пуд буғдой 2 рубл, бир батмон гуруч (12 пуд) 6-7 рубл, бир батмон ун 2,5 рубл, 1 пуд гўшт 1 рубл 60 тийин, 1 бош от 15-30 рубл, 1 бош сигир 10-20 рубл, 1 та эшак 4-10 рубл, 1 та иш хўкизи 15-30 рубл, 1 бош кўй 3-6 рублдан сотилган. Яван бозорида туз, дон ва чорва молларини кўпроқ сотилиб, бу бозорга Янгибозор, Ҳисор, Файзиобод ва бошқа худудлардан деҳқончилик ва хунармандчилик маҳсулотлари олиб келинган. Кўлоб, Қўрғонтепа ва Сарой бозорлари Шарқий Бухорода йирик савдо марказларидан ҳисобланиб, бу бозорларда маҳаллий маҳсулотлар билан бирга афғон, ҳинд, эрон, инглиз ва рус маҳсулотлари савдога чиқарилган[16].

XIX асрнинг охирига келиб, Файзиобод, Қоратоғ, Кўлоб ва Балжувон бозорларида ҳам маҳаллий маҳсулотлар билан биргаликда хориждан келтирилган савдо молларининг тури ва ҳажми кенгайди. Кўлоб ва Балжувон бозоридан олтин ва тери кўпроқ харид қилинган. Кўлоб бозорида 1 ботмон (16 пуд) буғдой 90 тийн, бир бош катта кўй 18 рубль, бир бош хўкиз 30 рубль, бита сигир 18-19 рубль, бир бош от 50-40 рубль, бир бош эшак 9-15 рубль, бир бош туя 50-75 рублга баҳоланган. Қобадийон бозорида (1886 йил) 1 ботмон буғдой 13 танга, 1 ботмон гуруч 15 танга, бир бош туя 170 танга, бир бош сигир ва буқалар 60 танга, бир бош қўйни 16 тангадан сотилган. Балжувон бозоридан (1909-1910 йиллар) 1 ман буғдой 23 танга, 1 ман сули 18 танга, 1 ман гуруч 2 рубль 20 тийн, 1 ман каноб 32 танга, 1 ман пилла 58 танга, 1 ман кунжарани 59 тангадан харид қилиш имкони бўлган[17].

Маъмурий ҳудудий жиҳатдан амирлик таркибига кирган Карки, Калиф ва Чоржўй бекларидаги бозорларда ҳам XX аср бошларига келиб маҳаллий маҳсулотлари билан бир қаторда Осиё ва Европа мамлакатларида ишлаб чиқарилган савдо маҳсулотлари сотилганлиги манбаларда баён қилинган. Бу ҳудудларда кишлоқ хўжалиги ва чорва молларининг нархи жойларга қараб бир биридан бироз фарқланган. 1905 йилда Чоржўй бозорида миниб юриш учун бир бош от 500 танга, юк ва карвонга қўшиладиган бир бош от 400 танга, бир бош туя 400 танга, бир дона палос 40 танга, бир дона эгар 4 танга, эгар-жапдуқ 15 тангадан сотилган[18].

Манба ва илмий адабиётларда берилган маълумотлар таҳлил қилинганда амирлик бозорларидаги нархлар доим бир хил маромда турғун бўлмаганлиги кузатилади. Бунга йиллар давомида турли омиллар ўз таъсирини ўтказган, (табiiй офатлар, йилнинг қурғоқчил келиши ва бошқалар). Мирзо Салимбек ўзининг хотираларида биринчи жаҳон уруши йилларида Россия ва бошқа хориж мамлакатларидан келтирилган савдо моллари, маҳаллий кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг (буғдой, арпа, зиғир, ун, гуруч, сабзавот, гўшт) нархлари ўсиб “қимматчилик ва очарчилик юз берганлигини, бозорларда буғдой топиш анча мушкул бўлиб, нон 20 тангадан сотилганлигини, бир қоп сабзавотнинг нархи эса 25 рублгача кўтарилгани, қовуннинг эса 40 тангадан сотилиши ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмагани” деб хотирлайди[19].

ХУЛОСА

XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб амирликда савдо-сотик тез сураатларда тараққий этди. Натижада, савдо марказлар кенгайиб, карвонсарой ва савдо мажмуаларни бунёд этиш жадаллашди. Бозор расталарида бир хил турдаги маҳсулотларнинг сотилиши ўз аҳамиятини йўқотиб борди, раста ва дўконларда маҳсулот тури кўпайиб улар аралашиб кетди. Бухоро бозорлари Ўрта Осиёда етакчилик қилиб қўшни хонликлар ва Туркистон ўлкаси учун биржа вазифасини ўтади. Товар пул муносабатларининг ривожланиши ва темир йўл тармоқларининг амирликка кириб келиши, бозорларда Россия ва хориж мамлакатларида ишлаб чиқарилган савдо маҳсулотларининг бир неча бараварга ўсишига олиб келди. XIX асрнинг охири - XX аср бошларида ҳар бир шаҳар савдо марказига айланиб, бозорлар сотиладиган маҳсулот турига қараб ихтисослашди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Вирский М. Торговля Бухары. Туркестанский сборник. том.526. с.5.
2. Тим – бозордаги расталар устига қурилган том
3. Мейндорф Е.К. Путешествие из Оренбурга. – М. 1875. – С. 101.
4. Очилдиев Ф.Б. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. . – Т. 2022. – Б. 43.

5. Губаревич-Родобильский А. Экономический очерк Бухары и Туниса. – СПб.1905. – С. 125.
6. Ўз МА, И - 1 - жамғарма,12-рўйхат, 1915-иш, 3-варак
7. Очилдиев Ф.Б. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. . – Т. 2022. – Б. 44.
8. Туркестанский сборник. 1871. Т. 32. – С.54.
9. Туркистанские ведомости № 34. 29 августь 1872 г.
10. Кунь А.А. Очерки Шагрисебзскаго бекства. – СПб. 1880. – С. 29.
11. Кап. Гинтилло. Интендантские сведения о Бухаре. // Сб. геог. топог. и ст атис.мат. по Азии.- СПб.:1894. – С. 27.
12. Кап.Стеткевич.Бассейн Каратаг-Дарьи // Сб. геог. топог. и ст атис.мат. по Азии.- СПб.:1894.Вып.57. – С. 255.
13. Очилдиев Ф.Б. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. . – Т. 2022. – Б. 179.
14. Логофет Д.И. Старана безправия Бухарское ханство. – СПб., 1909. – С.86
15. Пален. К.К. Материалы к характеристике народного хозяйства в Туркстане. – СПб.1911. – С.443-444.
16. Очилдиев Ф.Б. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. . – Т. 2022. Б. – 50.
17. Ёров А.Ш. Бухарский эмират на мировом рынке (вторая половина XIX – начало XX столетия): Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Душанбе. 2005. – С.136.
18. Ўз МА, И – 3 - жамғарма, 1- рўйхат, 101- иш, 29-варак.
19. Мирза Салимбек. Тарих-и Салими / Перевод с персидского Н.К. Норкулова, редактор перевода А.К. Арендс, предисловие, ред. введения и примеч. А.С. Сагдуллаев. – Ташкент: Akademiya, 2009. – С. 226–227.
20. Очилдиев, Ф., & Хайдаров, З. (2022). Кеш ва Шахрисабз археологияси: КАТЭ тадқиқотлари. *Общество и инновации*, 3(2/S), 79-86.
21. Ochildiev, F. B. (2019). TRADE RELATIONS BETWEEN BUKHARA-RUSSIA IN THE SECOND HALF OF XVIII CENTURY-IN THE XIX CENTURY. *Theoretical & Applied Science*, (5), 484-487.
22. Khaydarov, Z. (2021). ARCHAEOLOGY OF KESH AND SHAKHRISABZ: ON THE BASIS OF KATE REPORTS. *CURRENT RESEARCH JOURNAL OF HISTORY (2767-472X)*, 2(11), 52-57.

23. Ochildiyev, F. (2019). Trade relations between Bukhara and India in the second half of the 19th century and at the beginning of the 20th century. *Actual Problems of Applied Sciences Journal World*, (4), 13-19.

24. Fayzulla, O. (2020). The craftsmanship of the emirate of bukhara at the second half of the XIX century-the beginning of the xx century. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research*,2(11), 33-38.

25. Ochildiev, F. B. (2019). The creation of the amudarya fleet. *ISJ Theoretical & Applied Science*, 10(78), 583-586.

26. Khaydarov, Z. (2023). HISTORY OF THE STUDY OF KANPIRAK WALL. *Frontline Social Sciences and History Journal*, 3(02), 1-7.